

## ISSUES OF IMPROVING THE LEGAL AND PRACTICAL ASPECTS OF REUSING PROPERTY DESIGNATED FOR DESTRUCTION AS SECONDARY RAW MATERIALS

Kulmamatov Dostonjon,  
Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan,  
Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17318194>

**Abstract:** This thesis examines the issues related to improving the legal and practical aspects of reusing property designated for destruction by court decision as secondary raw materials within the framework of enforcement proceedings. The study emphasizes the need to enhance existing legislation, incorporate international experience into national law and enforcement systems, and discusses proposed amendments concerning the future disposition of property designated for destruction.

**Key words:** Bureau of Compulsory Enforcement, state executor, destruction, secondary raw materials, foreign experience, improvement of legislation.

## ЙЎҚ ҚИЛИШ БЕЛГИЛАНГАН МОЛ-МУЛКЛАРДАН ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁ СИФАТИДА ҚАЙТА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Кулмаматов Достонжон  
Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни  
муҳофаза қилиш академияси,  
Ўзбекистон

**Аннотация:** Мазкур тезисда ижро иши юритиш жараёнида суд қарорига асосан йўқ қилиниши белгиланган мол-мулклардан иккиламчи хом ашё сифатида қайта фойдаланишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш масалаларига тўхталиб ўтилиб, бу борада амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, бу борадаги халқаро тажрибани миллий қонунчилик ва миллий ижро тизимига жорий этиш, шу билан бирга, йўқ қилиниши белгиланган мол-мулкнинг келгуси тақдирини ҳал этиш борасида қонунчиликка киритилиши кўзда тутилаётган ўзгаришлар хусусидаги таклифлар ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** Мажбурий ижро бюроси, давлат ижрочиси, йўқ қилиш, иккиламчи хом ашё, хорижий тажриба, қонунчиликни такомиллаштириш.

## ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВЫХ И ПРАКТИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ ПОВТОРНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИМУЩЕСТВА, ПОДЛЕЖАЩЕГО УНИЧТОЖЕНИЮ, В КАЧЕСТВЕ ВТОРИЧНОГО СЫРЬЯ

Кулмаматов Достонжон,  
Правоохранительной академии Республики Узбекистан,  
Узбекистан

**Аннотация:** В данной тезисной работе рассматриваются вопросы совершенствования правовых и практических аспектов повторного использования имущества, подлежащего уничтожению по решению суда, в качестве вторичного сырья

в процессе исполнительного производства. Особое внимание уделено необходимости совершенствования действующего законодательства, изучению и внедрению международного опыта в национальное законодательство и систему исполнения, а также предложениям по изменению законодательства в части определения дальнейшей судьбы имущества, подлежащего уничтожению.

**Ключевые слова:** Бюро принудительного исполнения, государственный исполнитель, уничтожение, вторичное сырьё, зарубежный опыт, совершенствование законодательства.

### INTRODUCTION/ ВВЕДЕНИЕ/ КИРИШ

Ижро иши юритиш жараёнида суд қарорига асосан йўқ қилиниши белгиланган мол-мулклардан иккиламчи хом ашё сифатида қайта фойдаланишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини такомиллаштириш бугунги кунда соҳа олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

### METHODS/ МЕТОДЫ / ТАДҚИҚОТНИНГ УСУЛЛАРИ

Сўнгги йилларда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш соҳасида олиб борилган кенг қўламли ислохотлар натижасида мамлакатимизнинг мажбурий ижро этиш тизимида бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳон миқёсида содир бўлаётган охириги ўзгаришлар ва янгиликларни инобатга олган ҳолда ижро соҳасига мунтазам татбиқ этиб борилишини таъминлаш, шундан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчиликни доимий такомиллаштириб бориш ва бугунги кундаги вазиятга мос бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

### DISCUSSION/ ОБСУЖДЕНИЕ/МУҲОКАМА

Давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш ва сақлаш жараёни муайян норматив-ҳуқуқий талаблар асосида ташкил этилади ҳамда бир неча босқичларни ўз ичига олади.

Биринчи босқич – мол-мулкни олиб қўйиш. Мазкур жараён ваколатли органлар томонидан қонуний асосларга мувофиқ амалга оширилади. Олиб қўйиш ҳолати махсус ҳужжатлар, жумладан, далолатнома билан расмийлаштирилади. Унда ҳуқуқбузарликнинг тавсифи, вақт ва жойи, шунингдек, тегишли шахсларнинг маълумотлари акс эттирилади.

Иккинчи босқич – мол-мулкни сақлашга топшириш. Олиб қўйилган мулк белгиланган тартибда муайян давлат ёки тижорат ташкилотларига

24 соат ичида топширилиши лозим. Унинг тақсимоли қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

- оддий турдаги мол-мулк – Мажбурий ижро бюроси тасарруфидаги савдо ташкилотларига;
- божхона томонидан олиб қўйилган мулк – “Божхона-сервис” давлат муассасасига;
- қимматбаҳо металллар ва тошлар – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига;
- нақд пул маблағлари – махсус банк ҳисоб рақамларига.

Учинчи босқич – мол-мулкни сақлаш. Ушбу жараёнда мулкнинг бутунлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун жавобгар шахслар томонидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади. Сақлашга қабул қилиш жараёни уч нусхадан иборат далолатнома

билан расмийлаштирилади. Агар сақлаш шартлари бузилган тақдирда, жавобгар шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Тўртинчи босқич – мол-мулкни экспертиза ва баҳолаш. Олиб қўйилган мулкнинг ҳолати ва қиймати махсус баҳоловчи ташкилотлар томонидан аниқланади. Баҳолаш муддати мол-мулкнинг турига боғлиқ бўлиб, оддий ҳолатларда уч кун, тез бузиладиган маҳсулотлар учун эса бир кун этиб белгиланган. Мураккаб техник воситалар ёки махсус товарлар бўйича баҳолаш жараёни бир ойгача давом этиши мумкин.

Бешинчи босқич – мол-мулкни ҳисобга олиш ва назорат қилиш. Олиб қўйилган мулкнинг ҳужжатлаштирилиши ва ҳисоби юритилиши Мажбурий ижро бюроси ёки бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади. Экспертиза ва баҳолаш натижаларига асосан ушбу мулкнинг кейинги тақдири – давлат даромадига ўтказиш, сотиш ёки эгасига қайтариш масаласи ҳал этилади.

Мазкур тизимда ҳужжатлаштириш жараёнининг шаффофлиги, мол-мулк ҳисобининг тўғри юритилиши ва жавобгарлик механизмларининг аниқ белгиланганлиги муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли, ушбу йўналишда институционал ёндашув ва назорат механизмларининг доимий такомиллаштирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ваколатли орган мол-мулкни одатдаги бюро органлари билан шартнома тузган савдо ташкилотларига берилади. Бундан божхона органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулк “Божхона-сервис” давлат муассасасига, қимматбаҳо металлар ва тошлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкга, Автотранспорт, дори воситалари ва бошқа махсус шарт-шароит талаб қилувчи мол-мулк махсус омборлар ва майдонларга, нақд пул маблағлари уч кун ичида банкка ўтказилиши шартлиги белгиланган.

Мол-мулкни сақлаш учун масъулият мол-мулк расман қабул қилингунга қадар олиб қўйган органнинг масъул шахси унинг бут сақланишига жавобгар бўлади. Сақлашга қабул қилган шахс ёки ташкилот сақлаш шартларига риоя қилиши керак. Мол-мулкнинг шикастланиши, йўқолиши ёки ўғирланиши учун моддий ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бунга оид имзо билан тасдиқланган далолатнома тузилади.

Ваколатли орган ва сақлаш учун қабул қилган ташкилот ўртасида уч нусхада далолатнома тузилади. Савдо ташкилоти ёки мол-мулкни сақлаш учун қабул қилган шахс уни тўғри сақлаш, ҳисобини юритиш ва сотиш тартибларига амал қилиши керак. Бу жараён бюронинг ҳудудий бошқармалари томонидан назорат қилинади.

Шундай экан мол-мулкни сақлаш жойи ваколатли орган хоҳишига боғлиқ эмас. Қонунчиликда аниқ белгиланган субъектлар ва жойларга топширилиши шарт. Бу тизим мол-мулк йўқолишини, суиистеъмол қилиш ва коррупция ҳолатларини олдини олишга қаратилган.

Мол-мулкни олиб қўйиш бўйича йиғилган ҳужжатлар белгиланган қонунчилик нормалари ва муддатлар асосида мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиш ҳақида қарор қабул қилувчи ваколатли суд ёки орган (мансабдор шахс)га тақдим этилади. Ушбу ҳужжатлар - мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги расмий баённома, мол-мулкни сақлашга қабул қилиш ва топшириш тўғрисидаги далолатнома. давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган кўчмас мулк ёки автотранспорт воситаларини кўздан кечириш далолатномаси, 20 йилдан ортиқ фойдаланилган автотранспорт

воситалари бўйича ушбу далолатномага уларнинг техник ҳолати ҳақидаги ваколатли органнинг хулосаси, экспертиза мақсадида олинган намуна ва уларни текшириш натижалари бўйича далолатнома, мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқли ёки яроқсиз эканлиги ҳақида эксперт хулосаси, баҳолаш натижалари ёзилган расмий далолатнома, базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари ва ундан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулк учун фотосуратлар ва мавжуд бўлган тақдирда видеолавҳалар тақдим этилади.

Экспертиза натижаларига кўра қуйидаги турдаги маҳсулотлар мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши лозим:

Истеъмол учун яроқсиз этил спирти, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари;

Биоактив қўшимчалар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қўшимчалари;

Сифатсиз, қалбаки ёки мамлакатда расмий рўйхатдан ўтмаган дори воситалари ва тиббий буюмлар;

Контрафакт маҳсулотлар ва уларни тайёрлаш учун ишлатилган ускуналар, агар қонунбузарлик белгилари йўқ қилинмаса;

Автотранспорт воситалари, агар улар 20 йилдан ортиқ муддат давомида фойдаланилган ва техник жиҳатдан ишлашга яроқсиз деб топилган бўлса.

Давлат даромадига ўтказиш ёки мол-мулкни йўқ қилиш тўғрисидаги қарор суд ёки ваколатли орган томонидан чиқарилади. Қарорда мол-мулкнинг миқдори, қиймати ва экспертизада текширилган намуна сони аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Суд ёки ваколатли органнинг мазкур қарори кучга киргандан кейин, унинг ижро этилиши учун бюро органларига юборади.

Қарорнинг ижроси учун суд томонидан берилган ижро варақаси расмий ижро ҳужжати ҳисобланади ва у давлат ижрочиси томонидан амалга оширилади.

Давлат ижрочисига мол-мулкни сақлаш, баҳолаш, сотиш ёки йўқ қилиш билан боғлиқ кенг ваколатлар берилган бўлиб, у ижро ҳужжати келиб тушган пайтдан бошлаб ушбу жараёнларни назорат қилиши шарт. Бунда давлат ижрочиси мол-мулкнинг сақланишига жавобгар бўлиб, унинг бузилиши, йўқолиши ёки қадрсизланиб кетишининг олдини олиш чораларини кўриши лозим. Шунингдек, ушбу мол-мулк белгиланган тартибда сотилиши, белгиланган шартларга мувофиқ текинга берилиши ёки йўқ қилиниши мумкин.

Бироқ, давлат ижрочисининг ушбу ваколатларни амалга ошириши учун зарур техник ва моддий ресурслар мавжуд бўлиши керак. Мол-мулкни сақлаш учун махсус омборхоналар, қайта ишлаш ёки йўқ қилиш учун махсус техника ва инфратузилма талаб қилинади. Амалда эса қонун ҳужжатларида бу йўналиш бўйича аниқ тартиб ва талаблар белгиланмагани сабабли, амалиётда турли муаммолар юзага келмоқда.

Бундан ташқари, давлат ижрочисига юклатилган вазифалар аниқ тартибга солинмагани боис, ушбу жараёнларда коррупция ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир этилиши хавфи юзага келади. Шу сабабли, давлат ижросини таъминлаш механизмини такомиллаштириш, мол-мулкни йўқ қилиш, сақлаш ва бошқариш бўйича аниқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш зарур. Бундай чора-тадбирлар давлат ижрочисининг ваколатларини самарали бажаришини таъминлашга ва ижро жараёнларининг шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларга оид коррупциявий омилларнинг асосий манбаидир. Давлат ижрочисида вазифани бажариш учун етарли ваколат ва ресурсларнинг йўқ. Бу ҳолат давлат ижрочисининг мажбурий ижро жараёнидаги вазифаларини мукаммал бажаришда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Масалан, мол-мулкларни йўқ қилиш жараёнида иштирок этишга мажбурий бўлган ваколатли органлар мансабдор шахслари билан яқин муносабатлар ўрнатилиши, шу сабабли уларнинг орасида нотўғри муносабатлар ва иқтисодий манфаатларнинг ҳосил бўлишига замин яратади.

Аниқроқ айтганда, ушбу муаммо давлат ижрочиларининг вазифаларини бажариш жараёнида зарур жиҳозлар билан таъминланмаганлигида намоён бўлади. Масалан, суд томонидан йўқ қилиниши лозим бўлган мол-мулкларни белгиланган манзилга ташиш учун махсус белгилар билан жиҳозланган автотранспорт воситаларида олиб бориш лозим бўлади. Бу ҳолатда, давлат ижрочиси ўз вазифасини адо этишда тўғридан-тўғри талаб қилинган ёрдам воситаларидан фойдаланмай, савдо ташкилоти вакилига мол-мулкларни йўқ қилиш белгиланган ерга олиб бориш мажбуриятини юклайди. Шу йўл билан, савдо ташкилоти вакили ўз ҳисобидан, масалан, 500 минг сўм миқдорида маблағ сарфлаб, белгиланган мақсадга эришишга ҳаракат қилади.

Бу эса ўз навбатида, савдо ташкилоти томонидан фойда кўрмайдиган мол-мулкларнинг йўқ қилиниш жараёнидаги харажатларни қоплаш мақсадида, уларнинг сақлашда бўлган мол-мулкларни ўзлаштиришга ҳаракат қилиш каби коррупцион ҳолатларга олиб келади. Шундай қилиб, бу жараёнда давлат ижрочиси ва бошқа ваколатли органлар ҳам ўз улушларини олиш йўлида иштирок эта бошласа, бу коррупциянинг янада кенгай бўлишига ва жиноий ишларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Қисқача айтганда, вазифаларни бажариш учун етарли ваколатлар ва ресурсларнинг мавжуд эмаслиги, ижро жараёнидаги техник жиҳозлашнинг етишмаслиги ва савдо ташкилотлари билан яқин муносабатларнинг ривожланиши, ўз навбатида, мажбурий ижро жараёнида коррупциявий омилларнинг юзага келишини таъминлайди. Бу жараён қонунчиликда белгиланган муддатлар ва тартиблар асосида амалга оширилиши керак бўлган босқичлар орасидаги заифликлар туфайли ривожланади, ва шу сабабли умумий тизимнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари доирасида мол-мулкларнинг йўқ қилиниши жараёнида уларни тўлиқ йўқ қилиш ўрнига, уларнинг оригинал кўринишига яқин, лекин формал жиҳатдан алмаштирилган нусхаларини тайёрлаш орқали йўқ қилиш тартиби кўзда учраб туради. Давлат ижрочисининг ҳуқуқ ва ваколатлари, мол-мулкларнинг йўқ қилинишидаги талаблар ҳамда ижро жараёнининг назорат механизмлари аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу нормалар асосида белгиланган муддат ичида мол-мулкларнинг асли кўриниши ва функциялари сақлаб қолиниб, уларнинг бир хил хусусиятли нусхаларини тайёрлаш орқали йўқ қилиш жараёни амалга оширилмоқда.

Мисол сифатида, давлат ижрочиси ёки савдо ташкилоти вакили, сакловчи мол-мулкларнинг оригинал ҳолати ўрнига, уларнинг яқин ўхшаш нусхаларини тайёрлаб, улар орқали йўқ қилиш жараёнини амалга оширади. Бу ҳолатни бундай тасвирлаш

мумкин: агар бирон-бир шахс йўқ қилиниши белгиланган спиртли ичимликни бошқа бир шиша идишга алмаштириш, коньяк ёки вески шишаси ўрнига шунга ўхшаш суюқлик нусхаси билан алмаштириш орқали ушбу маҳсулотларни сақлаб савдога чиқишига ҳамда энг ёмони истъомолга яроқсиз деб топлиган маҳсулотларни фуқаролар томонидан сотиб олинади.

Бу орқали мол-мулкларнинг йўқ қилиниш жараёнидаги заифликлар, масалан, давлат ижрочисининг етарли ваколатлар ва ресурслар билан таъминланмаганлиги, транспорт воситалари ва махсус сигналлаш воситалари билан жиҳозланмаганлиги каби ҳолатлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида чоралар кўрилади.

## RESULTS/ РЕЗУЛЬТАТЫ/ НАТИЖАЛАР

Шу тариқа, мол-мулкларнинг асли кўриниши ва функцияларини сақлаб қолиш, уларни нотўғри шаклда ўзлаштириш ва ресурсларни ноаниқ манфаатларга сарф қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш муҳим ўрин тутди.

Давлат ва фуқароларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, ресурсларнинг самарали тақсимланиши ва ижро жараёнидаги коррупцияга қарши курашиш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кўрсатмоқда.

Йўқ қилинган мол-мулкларни иккиламчи ҳам ашёсининг ҳисоботи юритилмасдан келмоқда.

Ишлаб чиқаришда қайта ишлашга мўлжалланган хом ашё турлари қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин:

Қайта ишлашга яроқли материаллар: Металл парчалари, пластмасса, шиша, қоғоз ва картон каби материаллар қайта ишлаш учун мос келади.

Иккиламчи хом ашё: Аввал фойдаланилган маҳсулотлардан олинган материаллар, масалан, эски автомобиллар, маиший техника ва электрон қурилмалар, қайта ишланиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилиши мумкин.

Қайта ишлаш учун яроқли товарлар: Экспертиза ҳулосасига кўра, бевосита истеъмол учун яроқсиз бўлган, аммо ишлаб чиқаришда ёки иккиламчи қайта ишлашда фойдаланиш учун яроқли деб топилган товарлар кейинчалик қайта ишлаш ёки фойдаланиш учун тўлов эвазига тегишли корхоналарга берилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, қайси турдаги хом ашё қайта ишлашга яроқли эканлиги тўғрисидаги қарор тегишли экспертиза ҳулосасига асосланади. Бироқ ушбу тартиб бугунги кунда бюро органлари иш фаолиятидан ўрин олмаган.

Қайта ишлашга яроқли материаллар, иккиламчи хом ашё ва қайта ишлаш учун яроқли товарларнинг намунавий жадвалини мисол қиламиз:

| Гуруҳ                                   | Мисоллар                                                                                                         |
|-----------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>Қайта ишлашга яроқли материаллар</b> | -Пластик (PET, HDPE, PVC ва ҳ.к.)<br>- Қоғоз ва картон<br>-Металллар (темир, алюминий ва ҳ.к.)<br>- Шиша идишлар |
| <b>Иккиламчи хом ашё</b>                | - Синган шиша<br>- Металл парчалари<br>- Пластик чиқиндилари<br>- Қоғоз ва картон чиқиндилари                    |
| <b>Қайта ишлаш учун яроқли товарлар</b> | - Электрон чиқиндилар (компьютерлар, телефонлар ва ҳ.к.)                                                         |

| Гуруҳ | Мисоллар                                                                                                                                                                                            |
|-------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|       | <ul style="list-style-type: none"> <li>- Маиший техника (музлатгичлар, кир ювиш машиналари ва ҳ.к.)</li> <li>- Автомобиллар ва уларнинг қисмлари</li> <li>- Батареялар ва аккумуляторлар</li> </ul> |

“Ушбу рўйхат Экология вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва 2025 йил июлидан бошлаб ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан иккиламчи қайта ишлаш тўғрисидаги маълумотларни мажбурий кўрсатишлари керак бўлган товарларни ўз ичига олади.”

Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган яроқсиз маҳсулотлар, масалан, синган шиша идишлар, қайта ишлаш учун хом ашё сифатида қайта ишлаб чиқаришга жалб этилади.

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни йўқ қилиш ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш механизмлари;

Ижро жараёнининг бошланиши - Давлат ижрочиси тегишли ижро ҳужжати қабул қилинган кундан бошлаб бир иш куни ичида ижро ишини қўзғатади. Шу билан бирга, мол-мулкни йўқ қилишга оид аниқланган маълумотлар асосида тегишли шахсларга ёзма хабар юборилади. Йўқ қилишга мўлжалланган мол-мулкнинг рўйхати шакллантирилиб, бу жараён далолатнома билан расмийлаштирилади.

Йўқ қилиш жараёнидаги назорат ва иштирокчилар - Йўқ қилиш тартиби давлат назорати остида ўтказилади. Бу жараёнда қуйидаги иштирокчилар мажбурий равишда қатнашади:

Мол-мулкни олиб қўйган ваколатли орган вакили;

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги вакили;

Санитария-эпидемиологик назорат органлари вакили;

Олиб қўйилган мол-мулкни сақлашга масъул ташкилот вакили;

Икки нафар холис гувоҳлар.

Комиссия аъзолари сабабсиз иштирок этмаган ҳолда, қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Йўқ қилиш усуллари ва расмийлаштириш - Йўқ қилиш усуллари санитария ва экологик нормаларга мувофиқ амалга оширилади. Йўқ қилиш натижалари беш нусхада далолатнома орқали расмийлаштирилади ва тегишли органларга юборилади.

Иккиламчи ресурсларнинг тақдири - Йўқ қилинган мол-мулкнинг ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш учун яроқли қисми давлат даромадига ўтказилади. Бу ресурслар ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга шартнома асосида сотилади.

Қайта ишланган мол-мулкдан тушган даромадларни ҳисобга олиш - Йўқ қилинган мол-мулкдан қолган иккинчи даражали хом ашё ва уни сотишдан тушган маблағлар давлат ижро органлари томонидан махсус ҳисобга олинади. Улар ҳисобга олиб борилиши ва молиявий ҳисоботларда акс эттирилтшт лозим.

Бу механизм давлат даромадларини шаффоф ва қонуний бошқариш, экологик стандартларга риоя қилиш ҳамда чиқиндиларни самарали бошқаришни таъминлайди.

#### **REFERENCES/ СПИСОК ИСТОЧНИКОВ/ ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1) Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.10.2024 й., 03/24/974/0804-сон;

- 2) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 15.07.2009 йилдаги 200-сон қарори;
- 3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.03.2019 йилдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4236-сон Қарори;
- 4) <https://www.lex.uz>
- 5) Ҳамидов А.О. Суд қарорлари ижросини тامينлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2024
- 6) Обзор о порядке исполнительного производства Эстонии. Электронный ресурс: <http://www.juristideliit.ee/wp-content/uploads/2017>
- 7) Артемьева Ю.А. Исполнительное производство в США // Вопросы российского и международного права. 2011
- 8) Положение “Об организации планирования деятельности Федеральной службы судебных приставов”, утвержденный Приказом директора ФССП России от 15.06.2012 г. Электрон манба: <https://dokipedia.ru/document/5143710>